

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ****553 Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли
ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
9 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515*

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) ва 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 155-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қўйидагилар:

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли 1-иловага мувофиқ;

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шаклини тўлдириш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 30 октябрдаги 98-сон «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1744, 2007 йил 29 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 493-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 9 сентябрь,
83-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги
83-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ
20__ йил учун**

Аудиторлик ташкилотининг номи	
Почта манзили	
Лицензия тури, рақами ва берилган санаси	
Устав капитали	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами	
Филиаллар	
Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзолиги	
Халқаро аудиторлик тармоғига аъзолиги	
Телефон/факс, e-mail	

I. Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот йилида
1	2	3
Раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	01	
Раҳбарнинг лавозимга тайинланганлиги ҳақидаги буйруқнинг сони ва санаси	02	
Раҳбар лавозимидаги умумий иш стажи	03	
Паспорт маълумотлари ва яшаш жойи	04	
Раҳбарга берилган аудитор малака сертификатининг тартиб рақами ва санаси	05	
Малака ошириш курсини ўтаган санаси ва жойи	06	
Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг аттестациядан ўтганлиги	07	

II. Ташкилот ходимларининг сони

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига
1	2	3
Ходимлар сони — жами,	08	
улардан аудиторлар	09	
шу жумладан:		X
а) мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторлар	10	
б) ўриндошлик асосида ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган аудиторлар	11	

**Хисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига аудиторлар
тўғрисида маълумот (штатдаги* ва фуқаролик-ҳуқуқий
тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)**

Аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Аудитор лавозимига тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқнинг сони ва санаси	Аудитор малака сертификатининг тартиб рақами ва санаси	Малака оширишдан ўтган санаси ва жойи	Халқаро бухгалтер сертификати
1	2	3	4	5

**Хисобот йили давомида аудиторлар билан тузилган ва
бекор қилинган меҳнат шартномалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Тузилган меҳнат шартномаси	Бекор қилинган меҳнат шартномаси	Асос (буйруқнинг сони ва санаси)
1	2	3	4

III. Кўрсатилган хизматлар ҳажми

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Хисобот йилида		Ўтган йилда	
		аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	хизматлар суммаси (минг сўм)	аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар сони	хизматлар суммаси (минг сўм)
1	2	3	4	5	6
Аудиторлик хизматлари ҳажми — жами, шу жумладан:	12				
а) мажбурий аудиторлик текширувлари	13				
б) ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари	14				
в) махсус савол бўйича текширувлар	15				
г) профессионал хизматлар	16				
д) аудиторлик хизматларининг босқичма-босқич бажарилган қисми даромадлари	17	X		X	
12-сатрдан:		X	X	X	X
Аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари	18				

* мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторлар, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган аудиторлар кўрсатилади.

**IV. Мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилган
хўжалик юритувчи субъектлар**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот йилида	
		сони	хизматлар суммаси (минг сўм)
1	2	3	4
Мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар — жами,	19		
шу жумладан:		X	X
акциядорлик жамиятлари	20 (21, 22, 23, 26, 27-сатрлардан ташқари)		
банклар ва бошқа кредит ташкилотлари	21		
суғурта ташкилотлари	22		
инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар	23		
манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар	24		
мблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар	25		
устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари	26 (20, 21, 22, 23, 27-сатрлардан ташқари)		
фонд ва товар биржалари	27		

V. Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот йилида					
		аудиторлик текширувлари, жами		шундан			
		сони	хизматлар суммаси (минг сўм)	мажбурий аудиторлик текширувлари		ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари	
сони	хизматлар суммаси (минг сўм)			сони	хизматлар суммаси (минг сўм)		
1	2	3	4	5	6	7	8
Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар — жами,	28						
шу жумладан, асосий фаолияти бўйича хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги соҳаларга тааллуқлилиги:		X	X	X	X	X	X
саноат (электроэнергетика бундан мустасно)	29						
енгил ва озиқ-овқат саноати	30						
электроэнергетика	31						
қурилиш	32						
транспорт ва алоқа	33						
қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги	34						
савдо ва умумий овқатланиш	35						
молия, кредит, суғурта, пенсия таъминоти	36						
бошқалар	37						

VI. Аудиторлик хулосалари

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақами	Ҳисобот йилида				
		сони, жами	шундан			
			ижобий хулосалар	салбий хулосалар	аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш	аудиторлик хулосасининг бошқа турлари
1	2	3	4	5	6	7
Берилган аудиторлик хулосаларининг сони — жами, шу жумладан:	38					
мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича	39	X	X	X	X	X
ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича	40					
38-сатрдан:		X	X	X	X	X
Аудитнинг халқаро стандартлари бўйича берилган аудиторлик хулосалари сони	41					

Маълумотни тайёрлаган шахс

_____ (фамилияси, исми ва отасининг исми)

_____ (имзо)

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари

_____ (фамилияси, исми ва отасининг исми)

_____ (имзо)

М.Ў.
20__ йил «__» _____
(маълумотни тўлдириш санаси)

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги
83-сон буйруғига
2-ИЛОВА

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шаклини тўлдириш ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ–615-сон «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 155-модда) мувофиқ аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумотни (бундан кейинги ўринларда Маълумот деб юритилади) тақдим этиш аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

2. Маълумот 31 декабрь ҳолатига кўра ушбу белгиланган санадан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликка бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали тақдим этилади. III — VI бобларнинг кўрсаткичлари 31 декабрь ҳолатига йил бошидан ортиб борувчи яқун билан тўлдирилади.

3. Маълумотда барча реквизитлар, сатрлар ва устунлар тўлдирилиши лозим. Маълумотни тўлдиришда уларнинг тўлиқ тўлдирилиши ва киритилган маълумотларнинг ишончлилиги таъминланиши лозим. Аудиторлик ташкилотда тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли у ёки бу сатр (устун), тўлдирилмаган тақдирда, ушбу сатр (устун) чизиб қўйилади. Маълумот ахборот технологиялари ёрдамида «Microsoft Word» матн редакторидан фойдаланиб, «Times New Roman» шрифтининг 12 ўлчамини қўллаган ҳолда тўлдирилади.

4. Маълумотнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Аудиторлик ташкилотининг номи» сатрида белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Почта манзили» сатрида белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ почта манзили (почта индекси билан биргаликда) кўрсатилади;

«Лицензиянинг тури, рақами ва берилган санаси» сатрида рухсат этилган аудиторлик текшируви турини қайд этган ҳолда олинган лицензиянинг санаси ва рақами кўрсатилади;

«Устав капитали» сатрида амалда шакллантирилган устав капиталнинг суммаси кўрсатилади;

«Солиқ тўловчининг идентификация рақами» сатрида аудиторлик ташкилотининг идентификация рақами кўрсатилади;

«Филиаллар» сатрида филиаллар сони, уларнинг жойлашган ери, номи, филиал раҳбарларининг фамилияси кўрсатилади;

«Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзолиги» сатрида аудиторлик ташкилоти аъзо бўлган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси номи кўрсатилади;

«Халқаро аудиторлик тармоғига аъзолиги» сатрида халқаро аудиторлик ташкилотининг номи, тармоққа кириш санаси кўрсатилади;

«Телефон/факс, e-mail» сатрида аудиторлик ташкилотининг алоқа телефони/факс рақами, электрон почтаси (e-mail)нинг манзили кўрсатилади.

5. Аудиторлик ташкилоти филиаллари фаолиятининг кўрсаткичлари аудиторлик ташкилоти тақдим қиладиган Маълумотга киритилиши лозим.

6. Маълумот аудиторлик ташкилоти раҳбари ва маълумотни тайёрлаган шахс томонидан тўлдирилган сана кўрсатилган ҳолда имзоланади ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланади.

7. Маълумотда бўяб тузатишлар ва ўчириб ёзишлар бўлмаслиги лозим. Хатолар тузатилган тақдирда, раҳбар томонидан тасдиқланган тегишли изоҳлар берилади.

8. Маълумотда қийматда ифодаланган кўрсаткичлар минг сўмда ўн бирлик белгилари билан, бошқа кўрсаткичлар — бирликда кўрсатилади.

9. Аудиторлик ташкилотининг амалдаги ишлаган вақтидан қатъи назар, Маълумот ҳисобот йили учун тўлдирилади.

II. Аудиторлик ташкилоти раҳбари

10. «Аудиторлик ташкилоти раҳбари» бобида қуйидагилар кўрсатилади: раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (тўлик) (01-сатр); раҳбарнинг лавозимга тайинланганлиги ҳақидаги буйруқнинг сони ва санаси (02-сатр);

ушбу аудиторлик ташкилоти ва бошқа аудиторлик ташкилотлари раҳбари лавозимидаги умумий иш стажи (йиллар ва ойлар сони) (03-сатр);

паспорт маълумотлари, яшаш жойи (паспорт бўйича) (04-сатр);

раҳбарга берилган аудитор малака сертификатининг тартиб рақами ва санаси (05-сатр);

ҳисобот йилида малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида маълумотлар яъни, курсни ўтаган санаси, курсни ўтаганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами, курсни ўтаган ўқув марказининг номи (06-сатр);

аудиторлик ташкилоти раҳбарининг аттестациядан ўтган санаси ва натижаси (07-сатр).

Ҳисобот йили давомида аудиторлик ташкилоти раҳбари ўзгарганда «Аудиторлик ташкилоти раҳбари» бобида қўшимча устунлар қўшган ҳолда тегишли сатрларда ҳар бир раҳбар бўйича маълумотлар кўрсатилади.

III. Ташкилот ходимларининг сони

11. «Ташкилот ходимларининг сони» бобининг 08-сатрида ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига аудиторлик ташкилотда ишлаётган ходимларнинг умумий сони кўрсатилади.

12. 09-сатрда ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига аудиторлик ташкилотда ишлаётган аудиторлар сони кўрсатилади. Қайд этилган ушбу сон мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторлар (10-сатр) ва ўриндошлик асосида ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган аудиторлар (11-сатр) сонига тақсимланади.

3-устундаги 09-сатр 10 ва 11-сатрлар йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

13. «Ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига аудиторлар тўғрисида маълумот (штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)» жадвалида аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (1-устун), унинг ишга қабул қилинган, аудитор лавозимида ўтказилганлиги ҳақидаги буйруқнинг сони ва санаси (2-устун), аудитор малака сертификатининг тартиб рақами ва берилган санаси (3-устун), ҳисобот йилида аудиторнинг малака оширишдан ўтган санаси ва жойи (4-устун), мавжуд бўлганда халқаро бухгалтер сертификати бўйича маълумотлар (номи, рақами ва санаси) (5-устун) кўрсатилади.

Жадвалда кўрсатилган аудиторларнинг сони 09-сатрда келтирилган сонга тенг бўлиши лозим.

14. «Ҳисобот йили давомида аудиторлар билан тузилган ва бекор қилинган меҳнат шартномалари тўғрисида маълумот» жадвалида:

1-устунда — ҳисобот йилида меҳнат шартномаси тузилган (бекор қилинган) аудиторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

2-устунда — асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида ва бошқа ҳолатларни кўрсатган ҳолда меҳнат шартномаси тузилганлиги ҳақида маълумот;

3-устунда — асосий иш жойи ёки ўриндошлик асосида ва бошқа ҳолатларни кўрсатган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида маълумот;

4-устунда — юз берган ўзгаришларнинг асоси (ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг сони ва санаси) кўрсатилади.

IV. Кўрсатилган хизматлар ҳажми

15. «Кўрсатилган хизматлар ҳажми» бобининг 12-сатрида:

3-устунда ҳисобот йилида аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони;

4-устунда ҳисобот йилида кўрсатилган аудиторлик хизматларининг умумий суммаси Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалари (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари

ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) билан тасдиқланган Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-сон шаклга мувофиқ кўрсатилади.

16. 13, 14, 15 ва 16-сатрларда мос равишда ҳисобот даврида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари, ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари, махсус савол бўйича текширувлар ва кўрсатилган профессионал хизматлар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар сони (3-устун) ва аудиторлик хизматлари суммаси (4-устун) кўрсатилади.

17. 17-сатрда (4-устун) аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги узок муддатли шартномалар бўйича ишларни босқичма-босқич бажариш натижасида ҳисобот йилида ҳақиқатда бажарилган қисмидан олинган даромадлар суммаси акс эттирилади. Аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги узок муддатли шартномаларни босқичма-босқич бажариш жараёнида ҳақиқатда бажарилган ишлар натижалари ўрнатилган тартибда тузилган шартномага мувофиқ ва бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) далолатномаларига асосан оралиқ ҳисоботлар билан расмийлаштирилади.

Ушбу сатрда аудиторлик хизмати буюртмачисидан олинган бўнақлар (олдиндан тўловлар) суммаси кўрсатилмайди.

18. 3-устунда 12-сатр 13 — 16-сатрлар йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

19. 4-устунда 12-сатр 13 — 17-сатрлар йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

20. 18-сатрда:

3-устунда аудиторлик хизмати кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидан (12-сатрнинг 3-устунидан) аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони кўрсатилади;

4-устунда аудиторлик хизматларининг умумий суммасидан (12-сатрнинг 4-устунидан) Аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари бўйича хизматлар суммаси кўрсатилади.

21. «Кўрсатилган хизматлар ҳажми» бобининг 5 ва 6-устунларида тегишли сатрлар бўйича ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичлари акс эттирилади.

V. Мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар

22. «Мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар» бобида мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг тақсимланишини тавсифловчи маълумотлар кўрсатилади.

23. 19-сатрда мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони (3-устун) ва кўрсатилган хизматларнинг умумий суммаси (4-устун) акс эттирилади.

24. 3 ва 4-устунларда 19-сатр мос равишда 20 — 27-сатрлар йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

Ушбу сатрлар Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда) 10-моддасида белгиланган рўйхатдан келиб чиқиб мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони ва хизматлар суммасини кўрсатган ҳолда тўлдирилади:

20-сатрнинг 3 ва 4-устунларида (21, 22, 23, 26, 27-сатрлардан ташқари) мос равишда акциядорлик жамиятлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

21-сатрнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

22-сатрнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда суғурта ташкилотлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

23-сатрнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

24-сатрнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

25-сатрнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

26-сатрнинг 3 ва 4-устунларида (20, 21, 22, 23, 27-сатрлардан ташқари) мос равишда устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

27-сатрнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда фонд ва товар биржалари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади.

VI. Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

25. «Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши» бобида ҳисобот даврида аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифловчи маълумотлар кўрсатилади.

26. 28-сатр бўйича:

3-устунда мажбурий ва ташаббус тарзида ўтказилган аудиторлик текширувларининг умумий сони кўрсатилади;

4-устунда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича аудиторлик хизматларининг умумий суммаси кўрсатилади;

5 ва 6-устунларда мос равишда мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони ва ушбу текширувлар бўйича хизматлар суммаси кўрсатилади;

7 ва 8-устунларда ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони ва ушбу текширувлар бўйича хизматлар суммаси кўрсатилади;

28-сатр тегишли устунлар бўйича 29 — 37-сатрлар йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

27. 29 — 37-сатрларда аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидан (28-сатрнинг 3-устунидан) фаолият турлари бўйича тақсимланган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўрсатилади.

Ушбу сатрларни тўлдириш учун аудиторлик текшируви ўтказилган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг фақат бир (асосий) турига қараб танлаб олинади.

Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолият тури ушбу хўжалик юритувчи субъектга берилган Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифи (ХХТУТ) коди бўйича аниқланади:

29-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Саноат» (10000) бўлимида (электроэнергетика бундан мустасно) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

30-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Енгил ва озиқ-овқат саноати» (17000, 18000) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

31-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Электроэнергетика» (11100) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

32-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Қурилиш» (60000) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

33-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Транспорт ва алоқа» (50000) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

34-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги» (20000, 30000) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар, ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

35-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Савдо ва умумий овқатланиш» (70000) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

36-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича «Молия, кредит, суғурта, пенсия таъминоти» (96000) бўлимида ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади;

37-сатрнинг 5 ва 6-устунларида асосий фаолият тури бўйича, 29 — 36-сатрларда қайд этилганлардан ташқари, бошқа тармоқларда ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси, 7 ва 8-устунларда эса, худди шундай кўрсаткичлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича мос равишда кўрсатилади.

VII. Аудиторлик хулосалари

28. «Аудиторлик хулосалари» бобининг 38 — 41-сатрларида ўтказилган мажбурий ва ташаббус тарзида аудиторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот йилида берилган аудиторлик хулосалари тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Аудиторлик хулосасида қайд этилган сана аудиторлик хулосаси берилган сана ҳисобланади.

29. 38-сатрнинг 3-устунида берилган аудиторлик хулосаларининг умумий сони кўрсатилади. Ушбу аудиторлик хулосалари сони қуйидагилар бўйича тақсимланади:

мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича (39-сатр);

ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича (40-сатр).

30. 38-сатр 39 ва 40-сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

31. 3-устун маълумотлари 4 — 7-устунлар бўйича аудиторлик фаолияти стандартларида белгиланган аудиторлик хулосалари турлари бўйича тақсимланади.

32. 41-сатрда 38-сатр маълумотларидан ҳисобот йилида Аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик хулосалари турлари бўйича кўрсатилади.

VIII. Яқуний қоида

33. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциацияси ва Ўзбекистон бухгалтерлар, аудиторлар ва консултантлар Федерацияси билан келишилган.

*Ўзбекистон аудиторлар
Палатаси раиси*

Р. ҲАЙДАРОВ

2013 йил 9 сентябрь

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллий Ассоциацияси
Кенгаши раиси*

М. ТУЛАХОДЖАЕВА

2013 йил 9 сентябрь

*Ўзбекистон бухгалтерлар,
аудиторлар ва консултантлар
Федерацияси Бошқаруви раиси*

Н. ИБРАГИМОВ

2013 йил 9 сентябрь